



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 7-dekabr №50 (4500)

8 dekabr — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ТАРИХ ВА АДОЛАТ УЙҒУНЛИГИ

Бош Қомусимиз — Конституция ҳақида сўз кетганда улғу адиб Абдулла Қодирийнинг “Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрликдир”, деган ҳикмати эсга тушади. Шунингдек, “Қонун — қонун бўлганлиги учун эмас, балки унда адолат акс этганлиги учунгина қимматлидир”, деган қарашлар ҳам айна ҳақиқатдир.

Одамзод қайси замон ва қандай мавқеда бўлишидан қатъий назар, адолатсиз жамиятда яшаши мушкул. Яшаган тақдирда ҳам, бундай жамият асло ривож топмайди. Адолат бобида эса улғу Соҳибқирон Амир Темурга етадиган ҳукмдор кўҳна тарих бисотида кам топилади.

Россиялик олим ва адиб Д.Логофет 1913 йил Санкт-Петербургда нашр этилган “Бухоро тоғлари ва текисликлари” китобида шундай ёзади: “Ов-рўпода конституция ҳақида оддий тушунча ҳам бўлмаган бир даврда... Амир Темурнинг давлатида конституцион қонунлар мажмуаси — “Тузуқлар” мавжуд бўлган ва амал қилган.

...Унинг ҳокимиятида фуқароларга адолат билан муносабатда бўлинган. Ўзингиз тасаввур қилинг, биз эру бериб тартибга солаётган “даромад солиғи” деган тамойил унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди. Темур амалдорлардан иш юритаётганда қонун ва адолатга бўйсунгани талаб қилган. Қамчи ва таёқ ишлатиш қатъий таъқиқланган. “Қамчи ва таёқдай обрўга эга бўлмаган одам амалдор бўлишга арзишмайди”, деб тез-тез такрорларди Амир Темур.

Буюк Соҳибқирон бутун умри давомида қатъий амал қилган “Куч — адолатда” шиори, аслида, бутун инсониятнинг кўп асрлик орауси эди. “Кучсиз адолат ва адолатсиз куч — иккови ҳам даҳшат, — деб ёзган эди — юнон донишманди Эсхил. — Агар куч

адолат билан бирлашса, бу ҳамкорликдан кучлироқ нима ҳам бўлиши мумкин?!”

Француз файласуфи Блез Паскалнинг куч ва адолатга берган таърифи ҳам эътиборга лойиқ: “Адолат ва куч. Адолатга бўйсунуш адолатли, кучлига эса бўйсунмаслик мумкин эмас. Кучга таянмаган адолат — заиф, адолатга таянмаган куч эъравонлиқдир. Кучсиз адолатга доимо қаршилик қиладилар, адолатсиз кучдан норози бўладилар. Демак, кучни адолат билан бирлаштириш лозим, яъни ё адолатни кучли қилиш керак, ё кучни — адолатли!

Адолатни осонлик билан рад қилса бўлади, кучни эса рад қилиб бўлмайди, чунки у қаршингизда рўй-рост турибди. Чунки адолат кучли бўлолмайди — куч адолатни тан олмаяпти, зўрликнинг ўзи адолатдир, деб ўқирмоқда. Шунинг учун адолатни кучли этолмаган одамлар, зўрликни адолатли деб ҳисоблай бошладилар”.

Паскалнинг ушбу хулосаси ўз даври учун аҳамиятли бўлгандир, эҳтимол. Мантиқан олиб қараганда, дунёда кечаётган воқеа-ҳодисалар ҳам унинг ҳақиқини тасдиқлаб турибди. Зеро, адолат йўқ жойда кишилар ҳаёти қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нима қолмайди. Куч ва Адолатни халқ манфаати йўлида бирлаштириш тарихда ўтган ҳар қандай ҳукмдорга ҳам насиб этавермаган!

► 2

Фахр

10 dekabr — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

ОЛИЙ ТАРОНА

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

МАНГУБЕРДИЛАРИ МАНГУ ХОРАЗМ

Хива эли, Хоразм халқи бу улғу воқеани роппа-роса 130 йил кутди. Туну кун, кечаю кундуз, тимисиз ва мутасил кутди. Хоразм — буюк алломалар, дунёга Ал-Хоразмийдек жаҳоншумул зотларни берган ховари азим, бетимсол ва улғувор кишварнинг қадим дурдона гавҳари, феруза кўзли узуги Хива, Хевоқ. “Тошкент — Хива” йўналишида қатновлари йўлга қўйилган поездининг илк йўловчилари қаторида ярқираган вагон зина-поясига қадам қўярганман, кўнглимдан кечган бир ташбеҳ-иктибосни манзилга етгунга қадар шеърга айлантирмоқни ният қилиб қўйдим.

130 йиллик муддатни кунларга айлантириб кўрилганда 47 минг 450 кунни ташкил этаркан. 47 минг 450 кун эса 1 миллион 138 минг 800 соатдан иборат эканини ҳисобга олсангиз, тарих билан янги даври замон қарши-сида ҳайрат ва ҳавасларингиз ортган сайин ортаверадилар. 130 йил қайдаю 30 қақиримлик темир йўл қайда!.. 47 минг 450 кун — 1 миллион 138 минг 800 соатда амалга ошмаган улғувор ишларни атиги бир йилда — 365 кун — 8.760 соат ичида жаннатдан чиққандай кўркамгина қилиб янги Хива вокзалини пешвозингизга чиқариб қўйса, бу мўъжизавий манзаралардан ҳайратланмай иложингиз йўқ. 130 йиллик ўтмиш — ортингизда, ярқираган келажак эса шундоқина кўз олдингизда турибди. Бошқасини билмадим, 130 йилдан кейин Оғай, Феруз боболаримизнинг эвараларидан туғилган шоир авлодлари дафтарларига фахру ифтихор ила шундоқ сўзларни битмоғлари муқаррар: “Хива шаҳрина поезд Президент Шавкат Мирзиёев замониди, ул давлатли зотнинг бевосита саъй-ҳаракати ила сана 2018 йилнинг 4 декабри кунинда кириб гади...”.

Бу тарихга бугунги янги даври замонларнинг янги-янги қасру қўрғонлари гувоҳлик бериб турибди.

Амударёлари абадий азим,
Мангубердилари мангу Хоразм,
Эмасдир шунчаки ногаҳий бобо —
Огоҳ нигоҳингиз Оғай бобо.
Муҳаммад Раҳимхон, Исрохўжалар,
Етти ёт юртлардан кутган муждалар —
Бир юз ўттиз йиллик армонларингиз,
Сегоҳдай нолаю афғонларингиз.
Фахр этсам арзигай, билло, бағоят,
Кутган қарвонларингиз келди ниҳоят.

Амударёлари абадий азим,
Мангубердилари мангу Хоразм,
Ичон қалъаларинг —
Ишонч қалъаларинг бўлди,
Дишон қалъаларинг —
Жаҳон қалъаларинг бўлди!

Тошкент — Хива — Тошкент



Ифтихор

БОБУР ҚУРДИРГАН МАҚБАРА ТОПИЛДИ

Биринчи мақола

Бобур Мирзо бизнинг бобомиз, бизнинг қонимиз, бизнинг болаларимизга гурур билан айтадиган буюк аждодимиздир. У Андижонда туғилди, Андижонда қамол топди. Мана шундай аждоқларимиз борлиги, мана шулар Андижон фарзанди эканлигини ҳеч қайсимиз, ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзелигимизни англашни шундан бошлашимиз лозим.

Ш.М.МИРЗИЁЕВ

Бобур халқаро илмий экспедициясининг 2017 йил декабрь ойидаги сафари Қирғизистон Республикасининг Олабуқа тумани Октом кенти фуқаролар йиғинига қарашли Сафедбулон қишлоғига қаратилган эди. Экспедиция ўш шаҳри бўсағасидаги “Дўстлик” (Ўзбекистон — Қирғизистон) чегара боҳжона постидан ўтиб, ўшни ўнг қўлда қолдириб, Ўзганд томон йўлга тушди. Ўзгандга етганда шаҳардаги энг қадимий қабристоннинг чеккаридаги XI асрда яшаб ўтган улғу сиймо — Бурхониддин Қилич

қабр-мақбасини зиёрат қилдик. Маълумотларга кўра, мазкур шайх ва мударриснинг умри асосан Ўзганд, Андижон ва Хўжанд мадрасаларида кечган. “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”да ҳам Бобурнинг пири Хожа Мавлоно Қози шаҳараси Бурхониддин Қиличга бориб

боғланиши алоҳида қайд этилган ва Бурхониддин Қилич хусусида қуйидаги маълумотлар берилган: “Шайх Бурхониддин Қилич Ўрта Осиёлик шайх, сайидлар томонидан Илхонлар авлоди, Ўзгандда туғилган Қора-

хонийлардан Бурхонхон Абу Али ал-Ҳасан ибн Сулаймонга (1059 — 1077 йиллар) замондош бўлган. Фарғона водийси, Қошғар, Самарқанд ва Бадахшонда қатта обрў-эътибор қозонган. Ривоятларга кўра, у ўзига ясаб олган ёғоч қиличи пўлат қиличдай кескир бўлгани учун “Қилич” лақабини олган”.

Хожа Мавлоно Қози Шайх Бурхониддин Қилич авлоди сифатида “Бобур энциклопедияси”да тилга олинган. Бошқа хорижий энциклопедиялар ва қўлёзма манбаларда ҳам унинг Андижон ва Хўжандда кўп маротаба ва узок муддат бўлгани ҳақида маълумотлар қайд этилган. Бизнингча, Шайх Бурхониддин Қилич Андижон ва Хўжанд диний-маърифий ва маданий-адабий муҳити кўпроқ ўзига жалб этган бўлса керак.

► 6

Жонажон Ватанимизнинг ҳар бир тонги улғувор мусиқа, қўшиқ билан бошланади. Бу — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясидир.

Серкўёш хур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Йшнағай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Ушбу мисралар барчамизга яхши таниш ва қадрдон.

Мана, 1992 йил 10 декабрдан буён мадҳиямиз эрта тонгда юртимизда, турли муносабатлар билан чет элларда янраганида, шубҳасиз, ҳар қандай ўзбекистонликнинг руҳи кўтарилиб, қалбида фахр туйғуси жўш уради.

Илмий манбаларда давлат мадҳиясига тантанали куй ва ашула, мамлакат қадиллигининг тимсолларидан бири, дастурий характердаги тантанали қўшиқ, деб таъриф берилади. Давлатнинг расмий атрибутлари силсиласида муҳим жиҳат саналадиган мадҳиянинг мазмун ва шаклида ушбу давлатдаги барча миллатлар ва миллий гуруҳлар, ижтимоий табақалар мақсадлари, қарашлари акс этган бўлади.

Кўп асрлар давомида мадҳияга баъзи давлатларда жиддий эътибор берилган, ижро этилиши шарт деб қаралган бўлса, баъзиларида бу масалани вазиятга қараб ҳал этганлар. Яъни айрим азия ва мўътабар меҳмонларни мусиқа садолари билан кутиб олганлар. Фарбда давлат гимнининг расмий тус олиб, аста-секин халқаро алоқаларнинг таркибий қисми, давлат ва халқ мустақиллигининг рамзига айланиши Француз инқилоби (1789-1793) билан боғлиқ.

Тарихдан маълумки, буюк аллома Абу Наср Форобий мусиқа илмида ҳам тенгсиз бўлган. У ўзининг “Қатта мусиқа” китобида мусиқа назарияси, оҳангларнинг турлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, мусиқанинг инсон руҳиятига ижобий таъсири ҳақида қимматли фикрларни айтган. Албатта, алломанинг фикрларига қўшилишимиз табиий, чунки халқимизнинг “Шашмаком”, “Гиря”, “Савт”, “Чўли ирок” ва бошқа шу каби кўплаб ўлмас тароналарини жон қўлоғи билан тинглар, улардан роҳатланмайдиган инсонни топиш мушкул.

Гимнлар эса ўзининг фикрий йўналиши ва акс эттириш воситалари билан бошқа мусиқий асарлардан ажралиб туради. Гимн давлатнинг умумий-сиёсий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга ва сиёсий ташвиқотнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Албатта, ҳар бир одамнинг ўз севган мусиқаси, қўшиғи бўлиши табиий. Аммо давлат мадҳияси — мамлакатдаги барча фуқароларнинг ватанпарварлик, ўз тарихи, маданияти, юрт қудрати ва бойлиги билан фахрланиш, гурурланиш туйғуларининг энг олий кўриниши акс эттириши лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлат мадҳиясини яратувчи шоир, ижодкор

зиммасига улкан масъулият юкланади. Яъни юқорида айтилган олий туйғулар қисқа, содда ва жарангдор тарзда ифодаланиши лозим. Мазкур талаблар Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясида жуда гўзал ифодасини топган. Бинобарин, мадҳиямизда бағрикенг ва донишманд халқимиз руҳияти, феъл-атвори оид фазилатлар илҳам тарзда акс этган. Масалан, ўлкамизнинг серкўёш, одамларнинг оқиллиги, меҳрибон, бағрикенг, иймонли, юртимиз илм-фан ва ижод маскани эканлиги, шунингдек, олтин водийларимиз мадҳ этилган қанчадан-қанча шеър асарлар, дostonлар яратилган. Аммо мадҳиямиздаги гўзал куйма мисралар ҳар бир ҳамюртимиз юрагига ўзгача гурур, ҳаяжон бахш этади. Шунингдек, мадҳиямизнинг дунёда бетакор мусиқаси ҳақида ҳам энг эҳтиромли таърифларни айтиш ўринлидир.

Мусиқанинг ажойиб сеҳрли кучи, мўъжизакор таъсири, инсон маънавий қамолотидаги аҳамияти ҳақида фикр юритиб, Форобий “Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида” номли машҳур асариди шундай дейди: “Мусиқа фани шу маънода фойдалики, у ўз мувоzanатини йўқотган хулқни тартибга келтиради, қамол топмаган руҳни мукамал қиладди ва муvozanатда бўлган (одамлар) хулқининг муvozanатини сақлаб туради. Бу илм таннинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир, чунки тана касалга учраса, руҳ ҳам сўлади, тан қийинчиликка учраса, руҳ азобланади. Шунинг учун овозларнинг таъсири билан руҳни соғайтириш ёрдамида тана соғайтирилади”.

Аллома шоиримиз Абдулла Орипов шеър ҳамда атоқли бастакор Мутал Бурхоннов мусиқаси йўғунлигида, донишманд Форобийнинг юқоридаги фикрлари тасдиғи ўларок, бетакор ва мўъжизавий асар дунёга келган.

Миллий мадҳиямиз чиндан ҳам гўзал, муқаддас юртимизни мадҳ этувчи энг олий тарона ҳисобланади. Чет эллардаги халқаро мусобақаларда голиб бўлган спортчиларимиз шарафига байроғимиз кўтарилиб, давлати мадҳияси янграйди. Хизматда алоҳида жасорат кўрсатган зобит ва аскарларни тақдирлаш чоғида янраган мадҳиямиз эса улар учун энг юксак шараф ҳисобланади. Бундай лаҳзаларда Ватан ҳимоячилари ва голиб спортчилар ўзларини чиндан-да бахтиёр ҳис этадилар. Аслида ҳам шундай. Чунки миллий мадҳиямиз — кишига юксак туйғулар, ўзгача завқ-шавқ, умидбахш гоғлар олами-ни очиб беради. Одамлар руҳиятини маънавий жиҳатдан бой, соф ва баркамол қиладди. Мадаҳиямиз ҳаётни севишга даъват этади, мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажиги учун курашишга ундайди.

Биз қаерда бўлмайлик, давлат мадҳиямизнинг улғувор садоларини, сермазmun мисраларини тинглаганимизда, жонажон Ватанимизнинг гоғат гўзал манзаралари кўз олдимиздан ўтади, бизга шундай жаннатмонанд юртни ато этган Аллоҳга шукроналар айтамыз.

Сайфиддин ХИЛЗО

